

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MANKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

24 сентябрь 2018 й.г.

№ 758

Toshkent sh.

**Раҳбарлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ходимларни
доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин
бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви
органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари
рўйхатига қўшимча киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларини ва хизматчиларини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиботларини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 10-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 24 сентябрдаги
758-сон қарорига
илова

**Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий
прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат
хокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика
аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
“22. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги*”.
2. Изоҳнинг иккинчи хатбошидаги “8” рақамидан кейин “22” рақами қўшилсин.